

Индонезия делегацияси Тошкент ислом институтига ташриф буюрди



17:39 / 07.12.2023 624

Индонезия уламолар кенгашининг Жанубий Сулавеси провинцияси бўлинмаси раҳбари Ҳожи Нажмиддин бошчилигидаги делегация Тошкент ислом институтига ташриф буюрди.

Меҳмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, ТИИ ректори, сиёсий фанлар доктори, профессор Муҳаммадолим домла Муҳаммадсидиқов кутиб олиб, юртимиздаги диний таълим муассасалари, соҳада олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, институт тарихи ва фаолияти билан таништирди.

Делегация таркибидаги ИУК ЖС раҳбари ўринбосари, Муҳаммадия Макассар соғлиқни сақлаш политехникаси раҳбари Мустари Босра, ИУК ЖС бош котиби, Индонезия Макассар ислом университети ректори Муаммар Бакри, ИУК ЖС ташқи алоқалар ва халқаро ҳамкорлик соҳаси раҳбари Мустари Мустафо, ИУК ЖС фатво комиссияси раиси Русиди Холид ва бошқалар дўстона қабул ҳамда ҳамкорлик учун ташаккур изҳор қилдилар.



